

“Сув таъминоти ва окова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Самарканд вилояти ҳудудий бошқармаси, бир томондан Низоми асосида иш юритувчи бошқарма бошлиги С.И.Зиядуллаев бундан кейин “Буюртмачи” деб номланади ва “Maroqand Bunyodkor Qurilish” МЧЖ, бундан кейин “Бажарувчи” деб номланади Устав асосида иш юритувчи директор А.И.Давлатов бошқа томондан, ушбу шартномани туздилар:

1. Шартноманинг мавзуси

- 1.1. “Пастдарғом тумани Болтали МФЙ 2 та янги сув иншооти, 2500 метр сув тармоғи” лойиҳа-смета ҳужжатларини (арт, экология, геология, топо-харита ва экспертиза хулосаси билан) ишлаб чиқиш.
- 1.2. Буюртмачи кўрсатма беради ва молиялаштиради, бажарувчи ишларни ШНК 1.03.01-16 Корхоналар, биналар ва иншоотларни капитал қуриш учун лойиҳа ҳужжатларини таркиби, ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш ва тасдиқлаш тартиби асосида бажарилишини ўз зиммасига олади ҳамда ШНК 1.03.07-2010 Қурилишда меъморий-техник назорат тўғрисидаги низом талаблари асосида муаллифлик назоратни юритади.
- 1.3. Шартномани бажаришни бир томонлама рад этиш ва шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди.
- 1.4. Бажарувчи буюртмачининг ёзма розилигисиз ишнинг бир қисмини, яъни Бажарувчи томонидан олиб борилмайдиган махсус тадқиқот турларини бажариш учун субпудрат шартномасини тузишга ҳақлидир.

II. Тарафларнинг вазифалари.

2.1. Бажарувчи қуйидагиларга мажбурдир:

- 2.1.1. Техник топшириқларга ва бошқа дастлабки маълумотларга мувофиқ ишларни бажариш, буюртмачи билан бажарилган ишлар (босқичлар) натижаларини мувофиқлаштириш, буюртмачига шартнома бўйича бажарилган барча ҳужжатларни топширади.
- 2.1.2. Бажарувчи буюртмачининг розилигисиз учинчи шахсга ушбу шартнома бўйича расмийлаштирилган ҳужжатларни топширишга ҳақли эмас.
- 2.1.3. Бажарувчи ушбу объектда қурилиш – монтаж, таъмирлаш ишлари яқунлангунига қадар муаллифлик назоратини олиб боради ва шу жараёнда асосли бўлган ўзгаришларга белгиланган тартибда ҳужжатлар расмийлаштиради.

2.2. Буюртмачи қуйидагиларга мажбурдир:

- 2.2.1. Иш бошланишидан олдин, бажарувчига ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб 10 кун ичида дастлабки ишлаб чиқилган ҳужжатларни (техник топшириқларни) тақдим этади.
- 2.2.2. Ушбу шартноманинг 3.1 ва 3.2-бандларида назарда тутилган тартиб ва шартларига асосан бажарувчига белгиланган шартнома қийматини тўлайди.
- 2.2.3. Буюртмачи бажарувчига ишларни бажариш учун зарур бўлган қўшимча маълумотларни тақдим этишга мажбурдир.
- 2.2.4. Буюртмачи ишлаб чиқилган ҳужжатлар (лойиҳа-смета ҳужжатлар)ни фақат ушбу объект учун пудратчига топширишга ҳақлидир, лойиҳа-смета ҳужжатларини бошқа ташкилот ва шахсларга беришга фақат буюртмачи ташкилотини розилиги билан амалга оширилади.

III. Шартноманинг қиймати ва тўловларни амалга ошириш тартиби.

- 3.1. Ушбу шартнома бўйича бажарувчи томонидан бажарилган ишлар қиймати 1-илова нархларни келишув баёнига асосан ҚҚС билан, **19 950 000** (ўн тўққиз миллион тўққиз юз эллик минг) сўм.
- 3.2. Буюртмачи бажарувчига шартнома умумий қийматининг 30% миқдорида, яъни **5 985 000** (беш миллион тўққиз юз саксон беш минг) сўм бўнак ўтказишни ўз зиммасига олади.
- 3.3. Бажарувчи икки томонлама шартнома имзолангандан сўнг ишларни бошлайди шундан сўнг шартнома шартлари кучга киради.
- 3.4. Буюртмачи шартнома суммасининг қолган қисмини бажарилган ишлар учун ҳисоб-фактура иккала томон имзолаганидан кейин ва тасдиқланган манзилли дастурга мувофиқ молиялаштиради.

IV. Ишларни етказиб бериш тартиби

- 4.1. Бажарилган ишларни қабул қилиш ва расмийлаштириш техник топшириқ талабларига мувофиқ белгиланади.
- 4.2. Бажарувчи томонидан расмийлаштирилиши ва буюртмачига тақдим этилиши керак бўлган ҳужжатлар рўйхати техник топшириқ билан белгиланади.
- 4.3. Бажарувчи ишларни яқунлагандан сўнг, буюртмачига техник топшириқда назарда тутилган ҳужжатлар тўпламини илова қилган ҳолда ишни топшириш қабул қилиш тўғрисидаги далолатномани тақдим этади.
- 4.4. Ишларни бажариш муддати **10** кун.
- 4.5. Иш бошлаш вақти - бўнак тушган кунидан бошлаб
- 4.6. Буюртмачи бажарувчидан техник топшириқда кўрсатилган ҳисобот ҳужжатларини олган кундан бошлаб _____ кун ичида қабул қилишни ўз зиммасига олади;
- 4.7. Агарда бажарилган ишда лойиҳа - смета ҳужжатлари иш ҳажмларида давлат экспертизаси хулосаси олиниб қурилиш монтаж ишлари бошлангандан сўнг нуқсон ва камчиликлар аниқланса ушбу камчиликлар бажарувчи томонидан бартараф этилиб келтирилган зарарни қоплашга мажбурдир.



4.8. Агар бажарилган ишда нуқсонлар аниқланса, бажарувчи уларни бартараф этиб, сўнгра 10 кун ичида тузилган ишни буюртмачига топширишга мажбурдир.

V. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ.

- 5.1. Бажарувчи лойиҳа-смета ҳужжатларини ўз вақтида топширмаган тақдирда, Буюртмачи шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақлидир.
- 5.2. Буюртмачи бажарувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ишни бажаришни бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйган ҳолларда, Бажарувчи шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақлидир;
- 5.3. Ушбу шартномани бекор қилишни бошлаган томон иккинчи томонга ёзма равишда хабар юборади.
- 5.4. Шартнома бекор қилинганда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни қоплаш учун шартнома қийматига нисбатан 20 фоиз жарима тўлайди.

VI. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

- 6.1. Мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлиги ёки лойиҳа-смета ҳужжатлари ўз вақтида етказиб берилмаганлиги учун, буюртмачи фойдасига бажарувчидан бажарилмаган иш ҳажмининг 0,5% миқдорида пеня ушлаб қолинади. кечиктирилган ҳар бир кун учун. Бундай ҳолда, пенянинг умумий миқдори бажарилмаган иш қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.
- 6.2. Иш учун тўловни ўз вақтида тўламаган тақдирда, буюртмачи бажарувчига ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўлов миқдорининг 0,4% миқдорида пеня тўлайди, лекин пенянинг умумий миқдори кечиктирилган сумманинг 50% дан кўп бўлмаслиги лозим.
- 6.3. Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлиги учун бажарувчи ва буюртмачи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ мулкий жавобгарликни ўз зиммаларига олади.

VII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

- 7.1. Томонлар ўртасида хўжалик шартномаларини бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишдан келиб чиқадиган низо, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар музокаралар йўли билан, шунингдек даъво тартибда ҳал этилади.
- 7.2. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ўзаро келишув йўли билан ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Самарқанд вилояти ва туманлараро иқтисод суди томонидан кўриб чиқилади.

VIII. ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТ ҲОЛАТЛАРИ

(Форс-мажор)

- 8.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажармаганликлари учун жавобгарликдан озод қилинади, агар бу табиий ҳодисалар ва бошқа форс-мажор ҳолатлар натижасида юзага келган бўлса ва ушбу ҳолатлар шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир қилган бўлса:
Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати форс-мажор ҳолатлари кучга кирган даврга, шунингдек ушбу ҳолатлар келтириб чиқарган оқибатларга мутаносиб равишда кейинга қолдирилади.
- 8.2. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўпроқ давом этса, бажарувчи ва буюртмачи ишни давом эттириш ёки уни сақлаб қолиш учун қандай чоралар кўриш кераклигини муҳокама қилади.
- 8.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, унда томонларнинг ҳар бири шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақлидир.

XI. БОШҚА ШАРТЛАР

- 9.1. Ушбу шартнома ҳудудий газначилик бўлинмасида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга кириши ва 2022 йил "31" декабргача амал қилади.
- 9.2. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилган:
- 9.3. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар фақат томонларнинг ўзаро розилиги билан амал қилади ва қўшимча битим шаклида амалга оширилади.

X. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

«БУЮРТМАЧИ»

Номи: "Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси" УК
Самарқанд вилояти ҳудудий бошкармаси
Манзил: Самарқанд ш. Кўксарой майдони 1.
Банк: Марказий банк Тошкент ш.
Х/р: 301821860184017063201110113
МФО: 00317 **ИНН:** 305979178.
Газна х/р: 23402000300100001010
ИНН: 201122919 **МФО:** 00014

Бошкарма бошлиги: _____ **С.И.Зиядуллаев**
М.У. (имзо): _____
Юрист: _____ **А.Ибрагимов**

«БАЖАРУВЧИ»

Номи: "Maroqand Bunyodkor Qurilish" маъсулияти чекланган жамият
Манзил: Самарқанд ш. Кўксарой майдони 1, 1-блок «В» 1-қават
Банк номи: Тошкент ш., АТ "Алоқабанк" бош офиси
Хисоб рақами: 20208 0008 0484 141 4001
МФО: 00401
СТИР (ИНН): 301327746
ОКЭД: 71110

Директор: _____ **А.И.Давлатов**

Лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш учун

КАЛЕНДАР РЕЖА

Объект номи: “Пастдарғом тумани Болтали МФЙ 2 та янги сув иншооти, 2500 метр сув тармоги учун лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш”

Шартнома бўйича ишнинг номи	Такдим этиладиган хужжатлар	Бажариш мухлати		Хисобланган нарх	
		Бошланиши	Тугаши	Шартнома суммамидан фойзда	сўм
Пастдарғом тумани Болтали МФЙ 2 та янги сув иншооти, 2500 метр сув тармоги.	Техник топширикга асосан лойиха хужжатлари	14.11.2022	24.11.2022	100%	19950000

«БУЮРТМАЧИ»

Номи: “Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси

Бошқарма бошлиғи:  С.И.Зиядуллаев

«БАЖАРУВЧИ»

Номи: “Maroqand Bunyodkor Qurilish” маъсулияти чекланган жамият

Директор:  А.И.Давлатов